O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 1 апрель ШАНБА
№ 26 (11.829)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

# ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ — СТРАТЕГИК ҲАМКОР

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28-30 март кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.**

Бу Ўзбекистон раҳбарининг Жанубий Кореяга тўртинчи сафари бўлди. Олий даражадаги мулоқотларнинг мунтазамлиги, хусусан, ўтган йилнинг май ойида Жанубий Корея раҳбари Но Му Хённинг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришга қаратилган кўплаб келишувлар билан якунлангани икки томонлама ҳамкорлик самарали ривожланаётганидан далолат беради. Шу маънода Ислом Каримовнинг Сеулга бу галги сафарини Тошкент музокараларининг мантиқий давоми, дейиш мумкин.

Президентлар аввал якка-мa-якка, кейин расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган тартибда музокаралар олиб бордилар. Но Му Хён ўзининг Тошкентга сафарини ёдга олиб, меҳмондўстлик ва самимий муносабат учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистон раҳбари Тошкентда илгари сурган таклифини, яъни икки томонлама муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш вақти етганини яна бир бор таъкидлади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари кўп масалаларда ҳамфикр. Стратегик шериклик борасида ҳам фикрлар бир жойдан чиқди ва музокаралар якунида Президентлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шубҳасиз, бу ҳужжат ташриф давомида эришилган энг муҳим келишув бўлди.

29 март куни Ўзбекистон Президенти Корея Республикасининг етакчи иқтисодий ташкилотлари – Саноатчилар федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес федерацияси, Халқаро савдо уюшмаси раҳбарлари ҳамда Миллий ассамблея (парламент) Спикери билан мулоқотда бўлди.

Ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистонда Жанубий Корея бизнесини янада кенгайтириш, икки мамлакатнинг тегишли иқтисодий ташкилотлари, фирма ва компаниялари, корхоналари ўртасида ҳамкорликни янги босқичга кўтариш масалалари томонларнинг диққат-марказида бўлди. Алоқаларнинг янги йўналишларини очиш имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон билан Корея ўртасида олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш парламент Спикери билан суҳбатнинг бош мавзуи бўлди. Ким Вон Ки билан мулоқотда Ислом Каримов келгусида бу борадаги ҳамкорлик стратегик шериклик тамойилларига муносиб бўлишига ишонч билдирди. Ўзбекистоннинг янги шаклланган икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб, Корея парламентарийларини ўзаро тажриба ва ахборот алмашувни кучайтиришга даъват қилди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро стратегик шериклик алоқалари расмийлаштирилгани муносабати билан бу ўринда мазкур воқеанинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омилларига тўхталиш жоиз. Одатда сиёсий алоқаларга асосан халқаро муаммоларга қарашлар уйғунлиги ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликдан келиб чиққан ҳолда баҳо берилади. Ўзбекистон билан Жанубий Корея халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар борасида кўп жиҳатдан ҳамфикр. Бу Сеул музокараларида яна бир бор таъкидланди.

Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ижро органларига Корея Республикаси вакилларининг номзодини қўллаб-қувватлаб келади. Шу кунларда Сеул сиёсий доираларида мамнуният билан қайта-қайта тилга олинган мавзу – Ўзбекистон БМТ Бош котиби лавозимига Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Муннинг номзодини ёқлаётгани бу фикрнинг ёрқин исботидир. Бу хусусда кўп мисол келтириш мумкин: 2005 йилнинг ўзида Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига, Халқаро стандартлаштириш ташкилотига, SOS бадаллари бўйича қўмитага ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг нодоимий аъзолигига Корея Республикаси томонидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлади.

Тошкент Сеулнинг Корея ярим оролида Шимолий Корея ва Жанубий Кореянинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали тинчликни мустаҳкамлаш ва Шимоли-Шарқий Осиёни биргаликда ривожлантиришга қаратилган "тинчлик ва фаровонлик" сиёсатини ҳам қўллаб-қувватлайди.

Корея Республикаси эса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий тизимга интеграциялашувини ёқлайди. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий шерик сифатида қараб келаётган Жанубий Корея юртимиздаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётимизга катта миқдорда сармоя киритиш орқали ҳам халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сиёсий ҳамкорликни белгиловчи яна бир бўғин – ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқалар ҳам ривожланиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон билан Корея ўртасида иқтисодий соҳада 1992 йилдаёқ ўзаро энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шерикларидан саналади ва бу борада Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари орасида етакчи ўрин тутади. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 38 фоизга ошиб, 564,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси эса 1,5 миллиард доллардан ошади. Ўн йилдан буён нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲнинг бир неча мамлакатларида ҳам "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси маҳсулотларининг бозори чаққон. Россияда "ЎзДЭУавто" автомобиллари энг кўп сотиладиган хориж автомашиналаридан саналади.

Корея Республикаси томонидан берилган имтиёзли кредитлар миқдори 77 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу маблағ телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга, икки юздан зиёд коллежни ўқув жиҳозлари билан таъминлашга, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Бундан ташқари, Жанубий Корея «Эксимбанки» томонидан берилган имтиёзли кредитлар "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасида "Матиз" русумли автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш (35,9 миллион доллар) ва ипак йигирувчи корхоналарни қайта жиҳозлаш (2,5 миллион доллар) лойиҳаларига сарфланган.

Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) орқали техникавий ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Жумладан, шу кунгача КОИКА дастурлари бўйича турли вазирлик ва идораларнинг 630 вакили малака оширди, Миллий жуғрофий ахборот тизими, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида электрон кутубхона барпо этилмоқда.

Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида тузилган 138 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат ва енгил саноатда, металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади. Айни пайтда Жанубий Кореянинг 37 фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган.

Савдо-иқтисодий алоқаларга доир жорий масалаларни мунтазам муҳокама қилиб бориш мақсадида иқтисодий ҳамкорлик ва савдо бўйича Ўзбекистон-Корея ва Корея-Ўзбекистон қўмиталари тузилган.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик ривожида "Ўзбекистон-Корея Республикаси" дўстлик жамияти ҳамда олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларининг Кореяда малака ошириши ва таълим олишини ташкил этиш учун 1992 йили Тошкентда ташкил этилган Корейс таълим маркази муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллари институтида корейс тили ва маданияти марказлари ишлаб турибди. Мамлакатимиз бўйлаб 9 олий ўқув юртида «Кореяшунослик» кафедралари ташкил этилган, 112 мактабда корейс тилида таълим бериш йўлга қўйилган.

Мамлакатларимиз ўртасида Фанлар академиялари, Таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Корея Республикасини ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришга ундайди. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бу вазиятда тараққиёт қонуниятлари ўртага чиқади.

Сеул музокаралари якунида молия, савдо ва сармоя, саноат, нефть-газ, энергетика, минерал ресурслар, геология, юқори технологиялар, олий таълим, маданият, оммавий ахборот воситалари, аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга доир қирқдан зиёд ҳужжат имзоланди. Уларда кўзда тутилган умумий маблағ 1,8 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Масалан, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Корея нефть корпорацияси ўртасида имзоланган Фарғонада геология-разведка ишларини олиб бориш тўғрисидаги битимнинг молиявий қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг. «Ўзбекнефтгаз» билан «КОГАЗ» компанияси ўртасида Устюртда геология-разведка ишларини олиб бориш бўйича тузилган ҳужжатга биноан газ конларини тадқиқ этиш учун Ўзбекистонга 62,4 миллион доллар миқдорида сармоя киритилади. «Ўз-Корес майнинг» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасини ташкил этиш ва фа-

(Давоми 2-бетда).

*Қишлоқ мулкдорлари*



# ИШТИЁҚ БИЛАН

**Оҳангарон туманида қишлоқ мулкдорлари сафи кенгайиб, деҳқончиликка иштиёқманд кишилар фермер сифатида ерга эгалик қилишмоқда.**

Тожихон Худойбердиева куни кеча оддий пудратчи эди. Ерга, меҳнатга бўлган айрича муносабат унинг онгида деҳқончилик ортидан келадиган манфаатдорлик ҳиссини шакллантирди. У юртимизда аграр тармоқ ривожи йўлида қилинаётган ислоҳотлар яратаётган имкониятлардан фойдаланиб, фермер бўлишга қарор қилди ва яқиндагина ўтказилган тендер танловида ғолиб чиқиб, мақсадига эришди.

— Тендер адолатли ўтди, — дейди фермер. — Етти даъвогар бир лойиҳа учун курашдик. Деҳқончиликдаги тажрибам, фаолиятим, билим ва малакам қўл келди, имкониятларим юқори баҳоланди.

Ҳозир қарамоғимда 15 гектар ерим бор. Бу ерда ғалла ва сабзавот экинлари етиштириб, юқори ҳосилдорликка эришиш ниятидаман.

***СУРАТДА:*** *фермер Тожихон Худойбердиева ўз даласида.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Вилоят ҳокимлигида*

# ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

**Вилоят ҳокимлигида аҳолига траснпорт хизмати кўрсатишни тартибга солиш борасидаги чора-тадбирларнинг бажарилишига бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.**

Уни вилоят ҳокими ўринбосари Наримон Ҳайитқулов бошқарди.

Семинар-йиғилишда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, йўл ҳаракати хавфсизлиги, автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, давлат солиқ қўмитаси, вилоят автотранс уюшмаси, шаҳар-туманлардаги автокорхоналар раҳбарлари, шунингдек, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар иштирок этишди.

Бугунги кунда вилоятда 389 йўналиш бўйича аҳолига транспорт хизмати кўрсатилмоқда. Уларнинг асосий қисмида хусусий автомобилларни кўриш мумкин. Кўплаб шахсий транспорт эгалари тегишли лицензияга эга бўлмай, солиқ идораларида рўйхатдан ўтмай, аҳолига транспорт хизмати кўрсатаётгани, очиқ тендер асосида жойлаштирилган йўналишларга ноқонуний кириб, йўл варақасисиз, йўналиш қатнов ҳужжатларисиз, техник ва тиббий кўрикдан ўтмасдан ишлаётгани аниқланган.

Семинарда мазкур хизмат соҳасини тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида муфассал гапирилди. Таъкидландики, соҳага оид қарор қабул қилинмасидан илгари рўйхатдан ўтган ва йўловчилар ташиш учун лицензия олган якка тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятларини 2006 йилнинг 1 июнига қадар давом эттиришлари мумкин. Истисно тарзида тегишли лицензияга мувофиқ йўловчиларни тижорат асосида ташишга ихтисослашган юридик шахс — корхонага жисмоний шахслар томонидан сотиладиган ва қўшиладиган автотранспорт воситалари учун республика йўл фондига мажбурий йиғимлар тўлашдан 2006 йил 1 июнга қадар озод қилиниши ҳам қайд этилди.

*ВИЛОЯТ ҲАЁТИ*

# «ШОҲРУҲ»ДА БАЙРАМ ҚИЛИШДИ

**Тошкент туманидаги «Шоҳруҳ» мажмуасида «Наврўз — тинчлик, дўстлик» театрлаштирилган спорт байрами ўтказилди.**

Туман ногиронлар жамияти ташкилотчилигида ўтган тадбирда жисмоний имконияти чекланган 300 нафар ногиронлар таклиф этилди. Шу куни спортнинг арпрэстнинг, шахмат-шашка турлари бўйича мусобақалар ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир якунида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, ижтимоий таъминот бўлимлари, «Матлубот савдо» МЧЖ, туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан 10 та ногиронлар аравачаси ҳамда 300 дан ортиқ қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Хуррият МЎМИНОВА.**



# АЛПЛАР БАҲСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Чирчиқ шаҳрида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича иккинчи «Умумармия ўйинлари» тантанали очилди.**

Бундан икки йил муқаддам бўлиб ўтган биринчи «Умумармия ўйинлари» ҳарбий спортчиларимиз ҳаётида улкан воқеа сифатида тарихдан жой олган эди. Бу йилги мусобақалар ҳам кўтаринки руҳ ва ўзгача тус олди. Чирчиқ шаҳридаги «Сплав» стадиони шу куни байрамона безатилди. Спорт байрамининг очилишига нафақат ҳарбийлар, балки уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам келишди. Ҳатто, нуроний онахон ва отахонлар ҳам мухлислар қаторидан жой олди.

Иккинчи «Умумармия ўйинлари»да 14 та жамоа вакиллари саф тортди. Давлатимиз байроғи кўтарилиб, финал босқичига старт берилди.

9 апрелгача давом этадиган мусобақада иштирокчилар миллий кураш, волейбол, енгил атлетика, офицерлар учкураши, ҳарбий спорт мажмуига кирувчи кўпкураш, тош кўтариш ва ҳарбий учкураш бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказадилар.

**М.АМИН (ЎзА) олган сурат.**

*Муносабат*

**Ўтаётган ҳар бир кун мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланган аграр тармоқ ривожи, истиқболи йўлида муносиб из қолдирмоқда. Айниқса, чинакам ер ва мулк эгалари, деҳқонлар, фермерлар манфаатини кўзлаб, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаб, шу тариқа эл-юрт маъмурчилиги учун замин яратиш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар, унинг негизидаги Юртбошимизнинг қатор Фармон ва қарорлари бу борада беқиёс аҳамият касб этаётир.**

# ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Хусусан, яқиндагина эълон қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Президент қарори тармоққа ихтисослашган фермер хўжаликлари ва шу соҳада фаолият юритаётганлар учун катта имтиёз, имконият, таъбир жоиз бўлса, беқиёс ғамхўрлик бўлди. Унда тармоққа тегишли кўпгина масалаларга етарлича ойдинлик киритилиб, соҳа юксалишида тўғаноқ бўлаётган баъзи муаммоларни бартараф этиш йўллари белгиланди, янги таклиф ва тавсиялар қатъий амалга киритилиши қайд этилди, шунингдек, чорва парвариши билан машғул бўлган аҳоли вакилларининг меҳнат муносабатларига оид имтиёз ва янгиликлар жорий қилинди.

Очиғи, кейинги йилларда чорвачилик тақдирига бўлган эътибор бироз сусайиб, анча сердаромад ва истиқболли тармоқ имкониятлари четлаб ўтилаётганди. Ваҳоланки, халқимиз азалдан чорвачиликни юқори ўринга қўйиб, бой тажриба орттириб келган, керак бўлса, уни етти хазинанинг бири даражасига кўтарган.

Фермер хўжалигимизни ташкил этаётганда ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, чорвачилик йўналишига ихтисослашдик. Сир эмас, дастлаб турли қийинчиликлар, сунъий тўсиқларга дуч келдик, ишдан кўнглимиз совуган, эртанги кунга ишончимиз дарз кетган пайтлар ҳам бўлди. Мамлакатимизда фермерлар келажагига катта умид ва ишонч билдирилиб, тармоқни ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш учун кетма-кет меъёрий ҳужжатлар, йўл-йўриқлар ишлаб чиқилиб, амалга киритилгач, мавжуд муаммо ва камчиликлар ўз-ўзидан чекина бошлади. Хўжалигимиз ҳам йилма-йил ривожланиб, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб борди.

Мисол учун фермер хўжалигимиз дастлаб иш бошлаганида, тасаррufимизда 9 гектар ер, 30 бош қорамол бор эди. Бугунга келиб эса қорамолларимиз бош сони 160 дан ошди. Улар орасида наслли новвослар, зотдор сигирларимиз ҳам оз эмас. Фаолиятимиз мисолида амин бўлдикки, чорвачиликни кенг қулоч ёйдириш ва юқори самарадорликка эришишда наслчилик ишлари, зооветеринария хизматлари, ем, озуқа масалаларининг тўғри йўлга қўйилиши бирламчи омил экан. Янги қабул қилинган қарордаги ана шу жиҳатларнинг узлуксиз таъминотини шакллантириш, сифатли инфратузилма хизматларини ташкил этишга қаратилган бандлар, айниқса, биз учун янги имкониятлар эшигини очишига ишонамиз.

Албатта, шу кунгача эришган муваффақиятларимизнинг барчаси меҳнат ва ишбилармонлик билан бир қаторда мулкдорлар учун ҳозирланган юқори имконият, зарурий шарт-шароитлар самарасидир. Айни кунларда хўжалигимиз ишлаб чиқариш тармоқларини ҳам яхши йўлга қўйган. Сутни қайта ишлаш цехимиз юқори унум билан ишлаб, бу ерда ҳозир 8-10 турда сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бундан ташқари қишин-ёзин сабзавот маҳсулотлари етиштиришга илғор тажрибаларни татбиқ этиш ниятимиз бор. Қорамолларимиз бош сонини кўпайтириш, уларни ўз вақтида сифатли парваришлаш учун шароитлар ҳозирлаш ҳаракатидамиз.

Хуллас, имкониятларимиз ҳам, фаолият кўламимиз ҳам босқичма-босқич кенгайиб бораверади. Бунда манфаатларимизни кўзловчи ислоҳотлар яратаётган қулайликлардан мамнунмиз.

**Олимжон ҲАЙИТОВ, фермер. Қибрай тумани.**

# ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ

**Олмалиқ шаҳри ижтимоий таъминот бўлими шаҳардаги тўрт нафар ногиронга аравача ва эшитиш аппаратини тухфа этди. Бу тадбирга вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда «Заркент» хусусий корхонаси ҳомийлик қилди.**

Шунингдек, ижтимоий таъминот бўлими, «Интернейшнл» қўшма корхонаси, «Луфран плюс» хусусий фирмаси, «Фарруҳ-транс» масъулияти чекланган жамияти, шаҳар ФХДЁ бўлими ҳамда савдо ходимаси Дилбар Нишонова ҳамкорлигида Оҳангарон шаҳридаги «Саховат» қариялар уйидаги нуроний онахон ва отахонларга байрам совғаси сифатида турли кийим-кечак ва ширинликлар инъом этилди.

**Ойсара ДАДАЕВА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ — СТРАТЕГИК ҲАМКОР

лиятини йўлга қўйишни кўзда тутувчи Таъсис шартномасининг қиймати эса 204,2 миллион долларга тенг. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Эксчейнжбанк» ўртасида тузилган кредит битими – 20 миллион доллар, Ўзбекистон Молия вазирлиги билан Корея «Эксимбанк»и ўртасида тузилган умумий таълим мактабларини ахборотлаштириш лойиҳасини молиялаштириш тўғрисидаги битим – 30 миллион долларлик молиявий қийматга эга.

Буларнинг барчаси Президентимизнинг сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан мулоқотда айтган сўзларининг ёрқин тасдиғидир. Ислом Каримов таъкидлаганидек, икки томон ҳам бир масалани теран ҳис этади: стратегик ҳамкорлик шунчаки декларация билан қарор топмайди, бунинг учун имконият бўлган тақдирда ҳам, барибир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асос тайёрлаш, икки томон салоҳиятини имкон қадар тўлиқ ишга солиш йўлларини очиш зарур. Шу маънода, Сеул саммитини катта тарихий ташаббуснинг рўёбга чиқиши, деб баҳолаш мумкин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ташрифнинг учинчи куни ҳам самарали учрашувларга бой бўлди.

Президент Ислом Каримов Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Мунни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва Корея Республикасининг ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларига ва кўпгина халқаро муаммоларга нисбатан қарашлари ўхшаш эканлиги таъкидланди. БМТ Бош котиби лавозимига Корея Республикаси номзоди Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватлангани учун Бан Ки Мун Ислом Каримовга самимий миннатдорлик изҳор этди. Икки томонлама сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия ва иқтисодиёт вазири Хан Док Суни ҳам қабул қилди. Мулоқотда ўзаро савдо ҳажмини ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, ишбилармонларнинг ҳамкорлигини рағбатлантириш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ислом Каримовнинг Сеул мэриясидаги учрашуви яна бир тантанага сабаб бўлди. Корея Республикаси пойтахтининг мэри Ли Мёнг Бэк Ўзбекистон Президентини "Сеулнинг фахрий фуқароси" деб эълон қилди. Ушбу воқеага бағишланган маросимда Ўзбекистон ва Корея халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш, Тошкент билан Сеул ўртасида биродарлик ришталарини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Ислом Каримов шундай шарафга сазовор бўлгани алоҳида таъкидланди.

Ташриф арафасида Сеулда Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" китоби корейс тилида чоп этилди.

Жанубий Корея оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи кенг ёритиб борилди.

Мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасида деярли барча соҳаларда ҳамкорликни янги поғонага кўтариш имкониятларини очгани, Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида стратегик шериклик муносабатлари расмийлаштирилгани ва бу муносабатларни мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий асос билан таъминлагани билан тарихга кириши шубҳасиздир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Сеул-Тошкент.**

*2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

***«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг қурилиш-монтаж тресты жамоаси Бекобод тумани марказий шифохонасида 1,3 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарди. Маъмурий бино ва муолажа хоналари замонавий кўриниш касб этди. Унинг янгидан таъмирланиши муносабати билан ўтказилган тантаналар Наврўз шодиёналарига уланиб кетди.***

## МЕТАЛЛУРГЛАР ҲИММАТИ

Комбинат раҳбарияти шифохона маъмуриятига иккита «Дамас» русумли тиббий ёрдам машинасини ҳам топширди. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Ўзметкомбинат» томонидан шифохонага қилинган туҳфа туман меҳнаткашлари ҳамда саломатлик посбонлари учун ҳақиқий мурувват ёрдами бўлди.

Тиббий масканнинг, айниқса, гинекология, терапия ва реанимация бўлимлари замонавий кўринишга эга бўлди. Хоналар, йўлаклар бугунги талаблар даражасида жиҳозланган. Ҳар бир қаватга 2 тадан музлаткич, 2 тадан телевизор қўйилган. Юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар, янги кўрпа-тўшаклар муҳайё қилиниб, гилам поёндозлар тўшалди. Қисқаси бино ичида беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шифохонанинг очилиши муносабати билан дастурхон ёзилиб, ош тортилди.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

## КОМБИНАТНИНГ МУНОСИБ СОВҒАСИ

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳомийлигида «Олмалиқ-металлург» қурилиш ташкилоти томонидан қисқа муддатда сифатли қуриб битказилган тиббиёт пункти «Олмалиқ» хўжалиги ҳамда Бирлик қишлоғи аҳли учун Наврўз айёми кунларида муносиб совға бўлди. Қурувчилар 120 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Шунингдек, ҳиссадорлик жамияти тиббиёт масканига 30 миллион сўмлик жиҳозлар ҳамда «Дамас» русумли автомашина туҳфа этди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

# ТЕКШИРИШЛАР КАМАЙДИ, САМАРАСИ ОШДИ

**Иқтисодиётни бир маромда ривожлантиришда энергия ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишнинг аҳамияти катта. Айниқса, бозор муносабатларини, эркин, хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хилма-хил мулкчилик шароитида электр қувватидан фойдаланишнинг илғор технологиялари, янги, замонавий, тежамли ускуналарни жорий этиш, улар ҳамиша соз ҳолатда бўлишига интилиш кучаймоқда.**

— Лекин беш қўл баробар эмас, — деди «Тошкент ҳақиқати» мухбири билан суҳбатда «Ўзэнергоназорат» инспекцияси вилоят ҳудудий бўлимининг бошлиғи Ботиржон Зокиров. — Сўнгги вақтда ўтказилган текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, ускуналарни ишлатиш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳолларига ҳамон йўл қўйилаётир. Чунончи, ўтган йилнинг охирги чорагида назорат инспекторларимиз 36 та тадбиркорлик субъектида текширув ўтказиб, ҳар тўртинчи корхона ёки ташкилотда белгиланган хавфсизлик қоидалари бузилаётганлигини аниқлашди. «Бекободэнергочермет» ва «Asiko» масъулияти чекланган жамиятларида, «Petro» шўъба корхонасида аниқланган жиддий нуқсонлар дарҳол бартараф этилишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ва 5 октябрдаги Фармонларида хўжалик субъектлари фаолиятини текширишларни қисқартириш ва назорат идоралари ишини мувофиқлаштиришни кучайтириш юзасидан бегиланган чора-тадбирларни амалга ошира бориб, биз хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилаётган текширишларни кескин қисқартиришга эришдик. Жумладан, илгарилари йиллик текширишларимизнинг умумий сони 129 та бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 68 тага туширилди.

Лекин бу хўжалик субъектлари фаолияти устидан давлат назорати бўшаштирилганлигини билдирмайди. Биз асосий эътиборни жойлардаги камчиликлар вақтида бартараф этилишига, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинишига қарата бошладик. Бунинг учун, аввало, ходимларнинг малакасини ошириш, топширилган иш учун масъулиятни кучайтириш масалалари билан жиддий шуғулланаётирмиз.

Ҳеч шубҳасиз, ҳозирги пайтда текширишларни тўғри ва изчил режалаштиришга талаб кучаймоқда. Шуни ҳисобга олиб, назорат ишини йиллик ва чораклик мувофиқлаштирувчи режажадвалини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бунинг учун тадбиркорлик субъектларининг амалий фаолияти билан танишиб, режани низомда кўзда тутилган тартиб асосида тузаяпмиз. Бунда корхона ишлаб чиқаришининг хавфсизлик тоифаси, истеъмол қилинадиган энергия ҳажми, хавфсизлик талаблари назарда тутилаяпти. Шу нуқтаи назардан текширувларни ўтказиш муддатлари икки йилдан уч-саккиз йилгача узайтирилди.

Айни пайтда электр қуввати истеъмолчилари бўлган тадбиркорлик субъектларини қайта рўйхатдан ўтказиб чиқдик. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган 19 мингдан зиёд хўжалик субъектининг катта қисми — асосан энергияни кам истеъмол қиладиган микрофирмалар, дўкончалар ва бошқа савдо нуқталари ҳисобга олинмаганда, 6200 тага яқин корхона энергетика назорати остига олинди. Уларни иқтисодиёт тармоқлари учун аҳамияти, электр қувватини истеъмол қилиш ҳажми ва бошқа баъзи кўрсаткичларга кўра гуруҳ ва гуруҳчаларга ажратиб, ҳар бирида текширув ўтказиш даври белгилаб қўйилди.

## Наврўзда араб мусиқаси янгради

**Миср Араб Республикасидан келган "Ал-вади ал-жадид" ("Янги водий") гуруҳининг концерт дастури Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналарига алоҳида шукуҳ бахш этди. Тадбирда меҳмонларнинг Миср фольклор санъати ҳамда замонавий куй-қўшиқларидан иборат маданий дастури зўр муваффақият билан намойиш этилди.**

Қадимги эҳромлар мамлакатининг маданияти вакиллари билан бўлган учрашув институтнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларида илиқ таассурот қолдирди.

45 нафар санъаткорни бирлаштирган ушбу фольклор гуруҳи 1969 йилда тузилган бўлиб, у ҳозирги пайтгача Осиё, Африка ва Европада ўтказилган қатор халқаро мусиқа фестиваллари ва танловларда муваффақиятли иштирок этиб келади.

**Б. ИРИСОВ.**
**«Жаҳон» АА.**

# САДАФДЕК ОППОҚ БЎЛСИН



***Тошкент Давлат тиббиёт институтини 1977 йили тиш шифокорлиги мутахассислиги бўйича тугатган олий тоифали стоматолог Мавжуда Юнусова Ўртачирчиқ туманидаги стоматология поликлинасига раҳбарлик қилмоқда.***

Ушбу шифо масканида ҳозирда 3 нафар олий тоифали ҳамда 4 нафар 1-тоифали шифокорлар аҳолига хизмат қилишмоқда. Тиббий хизматнинг намуналилиги, поликлиниканинг қулай ҳудудда жойлашганлиги сабабли мижозлар кўпайиб бораётир.

— Иш жараёнида турли тоифадаги одамлар билан учрашишга тўғри келади, — дейди М. Юнусова. — Айримлари касаллик ўтиб кетганидан сўнггина мурожаат қилишади. Тўғри, биз ҳар қандай шароитда ҳам беморга ёрдам қўлини чўзишимиз зарур. Лекин касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал.

**Хуршида МЎМИНОВА.**
***СУРАТДА:*** *олий тоифали стоматолог-шифокор Мавжуда Юнусова.*
***Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.***

## ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР

**Вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси томонидан йўлларда мототранспорт воситалари иштирокида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида «Мотоцикл» тадбири бошланди.**

## «МОТОЦИКЛ» ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

1 апрелдан 10 апрелга қадар давом этадиган тадбирда мототранспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан йўл қўйилаётган қоидабузарликларни аниқлаш билан бир вақтда корхона ва ташкилотлар, мактаб ва маҳаллаларда бу борада тарғибот ва ташвиқот ишлари ўтказилади.

Бундан ташқари тадбир доирасида вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг рўйхатлаш бўлинмасида қайд этилмаган мототранспорт воситаларини аниқлаш, уларни рўйхатга қўйиш ёки чиқариш чоралари кўрилади.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган вазифалар кенг жамоатчиликнинг кўмаги билангина ижобий самара беради. Шундай экан, биз вилоятимиз фуқароларидан «Мотоцикл» тадбирида фаол иштирок этишлари ва амалий ёрдам беришларига умид боғлаймиз.

**Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,**
**вилоят ИИБ ЙҲХБ катта инспектори.**

## БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ДИПЛОМЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида сержантларнинг олий курсларини битирув маросими тантанали ўтди.**

Юқоричирчиқ туманидан Нигора Нурманова курсни муваффақиятли битираётганлигидан мамнунлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди:

— Бугун катта ҳаётга йўлланма олаяпман, — деди у.

Олий сержантлик курслари битирувчилари орасида вилоятимизнинг 100 вакили ҳам шу куни диплом олди. Умида Миразимова Бўстонлиқ, Алима Аширова Қибрай туманларида хизматни давом эттиришга йўлланма олишди.

Битирувчиларни республика Ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов қизғин қутлади.

**Александр КУЗЬМИН.**

**Халқ-демократик партияси вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раҳбарлари, давлат ҳокимияти тегишли вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари раисларининг семинар-машғулоти бўлиб ўтди.**

## ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Машғулот иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришда ХДП депутатлик тузилмалари ташаббускорлигини ошириш масалаларига бағишланди.

Асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш борасидаги сиёсий-ташкилотчилик ишларини кучайтириш масалаларига қаратилди. Аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашни яхшилаш муаммоларини ҳал қилишда партия фаолларининг иштироки муҳокама қилинди. Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятлар ва қонунларнинг бажарилиши аҳволининг мониторингларини мунтазам тус олдириш муҳимлиги таъкидланди. Бунда партиянинг жойлардаги кенгашлари ҳузуридаги жамоатчилик қабулхоналари, депутатлик гуруҳлари назорат-таҳлилий фаолияти имкониятларидан тўла фойдаланиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

## БОТУЛИЗМ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

***Кейинги йилларда хонадонларда консерваланган маҳсулотлардан заҳарланиш, хусусан, ботулизм касаллиги тез-тез учраб турибди. Ботулизм лотинча сўз бўлиб, колбаса маъносини англатади. Ботулин заҳри биологик фаоллиги жиҳатдан бошқа микроблар токсинидан анча кучлидир. 0,035 миллиграмми одамни нобуд қилиши мумкин.***

Ботулизм асосан бузилиб, айниб қолган колбаса, консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқади.

Ботулизм токсинлари билан зарарланган маҳсулотни истеъмол қилганда, касаллик аломатлари 2-3 соатдан кейин, баъзи ҳолларда эса, 1-2 кундан сўнг бошланади. Бунда ошқозон беҳузурлиги, қусиш, кучли бош оғриғи, оғиз бўшлиғи ва томоқнинг қуриши, кўз хиралашиши ва дипломия (барча буюмлар иккита бўлиб кўриниши), қовоқлар тушиб кетиши (птоз), ютиниш ва чайнашнинг қийинлашиши (ичаётган суви бурнидан қайтиб келиши) каби белгилар пайдо бўлади. Кейинчалик асаб тизими зарарланганлиги учун бемор чайқалиб юриши, гапиришнинг қийинлашиши ва ҳатто, гапира олмаслик каби ҳолатлар кузатилади.

Бундай ҳолларда беморга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилиб, ботулизмга қарши зардоб белгиланса, унинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин.

Ботулизмдан заҳарланишнинг олдини олиш учун қуйидагиларга амал қилиш керак: уй шароитида консервалар тайёрлашда санитария-гигиена қоидаларига, стерилизация режимларига тўлиқ риоя этиш, консерва учун фақат сифатли маҳсулот ишлатиш, уларни яхшилаб оқар сувда ювиш, тайёр бўлган консерваларни 10 даражадан юқори бўлмаган салқин жойда сақлаш лозим. Шунингдек, идишнинг қопқоғи кўтарилиб қолган, ишлаб чиқарилган жойи ва вақти кўрсатилмаган, этикеткаси бўлмаган мева-сабзавот ва қўзиқоринли консерваларни бозорларда номаълум шахслардан харид қилмаслик, сотувдаги териси шикастланган ва офтобда қолган балиқларни умуман истеъмол қилмаслик, уй шароитида билиб-билмасдан консерваларни тайёрламаслик даркор. Юқорида келтирилган шартларга риоя қилинган тақдирдагина, биз ўзимизни ботулизм касаллигидан асраган бўламиз.

**А. ИСМОИЛОВ,**
**вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди.**

*Дастур ва ижро*

**«Тошвилоятсувоқава» очиқ акциядорлик бирлашмаси зиммасига саноат корхоналари, шунингдек, аҳолини ичимлик суви билан мунтазам таъминлашдек муҳим вазифа юклатилган. Корхона раҳбари Маъруф Акромов шу мақсадда амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида мухбиримизга сўзлаб берди:**

# ИЧИМЛИК СУВДА УЗИЛИШ ЙЎҚ

— Сир эмас, энергия нархлари бўйича тарифлар ўтган йилнинг ўзида бир неча марта қайта кўриб чиқилди ва шу муддат давомида анча ошди. Шу йўсинда қўшимча материаллар нархи ҳам кўтарилди. Ичимлик суви бўйича эса тарифлар ўзгармади. Ичимлик суви асосан ерости насослари орқали 80 метр чуқурликдан электр қуввати ёрдамида олинади. Бунинг учун табиийки, катта маблағ сарф бўлади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 23 сентябрдаги «Сувоқава корхоналарини реструктризация қилиш тўғрисида»ги баённомасида соҳани молиявий соғломлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. «Тошвилсувоқава» очиқ акциядорлик бирлашмаси ичимлик суви тармоқларидаги йўқотишларни камайтириш мақсадида жойларда капитал таъмирлаш, электр қувватини тежайдиган янги насослар ўрнатиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш учун янги технологиялар жорий қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни кенгайтирди.

Ишлаб чиқарилаётган ичимлик сувининг 20 фоизи ер устидан, яъни Чирчиқ дарёси ва Ангрен сув омборларидан электр қуввати ёрдамида олинади. Биргина Ангрен омборидан сув олиш учун ойига 42-45 миллион сўм сарф этилади.

Вилоятимизнинг узоқ қишлоқлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги давлат дастури асосида ўтган йили 4 та қишлоқ тоза сув билан таъминланиб, жами 13 километр масофада қувурлар ётқизилди.

Бу йил амалга ошириладиган ишлар кўлами янада катта. Наврўз байрамигача Бўстонлиқ туманидаги Хондойлиқ қишлоғига тоғли Қорабулоқдан 4,7 километр масофада сув қувурлари ётқизилди. Бу ерда 30 миллион сўмлик иш ҳашар йўли билан бажарилди. Бунда туман ҳокимлиги, маҳаллий корхона ва ташкилотларнинг ҳимматини таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Мустақиллик байрамига Тошкент туманида ерости сувларини йиғиб олиш иншооти ишга туширилади. Бунинг учун республика бюджетидан 150 миллион сўм атрофида маблағ ажратилган. Шунингдек, Оҳангарон туманидаги Қорахтой қишлоғини тоза ичимлик суви билан етарли таъминлаш мақсадида ҳам республика бюджетидан 70 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирги кунда амалий ишга киришилган.

**— Мавжуд сув қудуқларини таъмирлаш, қайта тиклаш ишлари ва бунда ҳомий корхоналарнинг улуши қандай бўлаяпти?**

— Бу йил вилоят бўйича қишлоқ жойларидаги 600 га яқин сув қудуқларидан 400 таси капитал таъмирдан чиқарилади. Шундан 100 таси ҳомийлик маблағлари ҳисобидандир. Жумладан, Бекобод туманидаги 7 та сув қудуғи «Ўзметкомбинат» очиқ акциядорлик бирлашмаси томонидан қайта тикланиши режалаштирилган. Оҳангарон туманидаги 20 га яқин сув қудуқлари Олмалиқ кон-металлургия комбинати ёрдами билан қайта таъмирланади. Шунингдек, Ангрен шаҳрида 2 та янги сув қудуғи «Ўзбекистонтемирйўллари» компанияси ҳомийлигида бунёд этилади.

**— Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга чет эл инвестициялари ҳам жалб этиладими?**

— Бу йўналишда Хитой Халқ Республикаси технологияси асосида 3 та янги лойиҳа амалга оширилади. Чунончи, Бекобод шаҳрига Туябўғиз сув омборидан 100 километр узунликда сув қувурларини тортиш, «ВУ-1» сув иншоотини реконструкция қилиш, Чирчиқ шаҳридаги оқава сувларни тозалаш иншоотини кенгайтириш назарда тутилган. Шу кеча-кундузда бу борада техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар қилинмоқда.

Ичимлик сувга талаб кучайиб бораяпти. Истеъмолчилар сафига фақат бир йил давомида 20 мингтадан зиёд абонент қўшилди. Бу сув таъминотини кўнгилдагидек йўлга қўйиш учун катта ҳажмда қўшимча сарф-харажатларни талаб қилмоқда. Лекин корхона, ташкилот ва аҳоли хизмат ҳақини вақтида тўламаётганлиги бу мақсадларга маблағ ажратишни қийинлаштирмоқда. Шу йил бошига келиб, истеъмолчиларнинг жами қарзи 2 миллиард 183,1 миллион сўмга етди. Унинг асосий қисми узлуксиз технология асосида ишловчи корхоналар, «Иссиқлик манбаи» ташкилотлари ҳисобига тўғри келади.

Аҳолининг дебиторлик қарзини камайтириш, ҳисоб-китобларнинг янгича механизмини шакллантириш имкониятлари ишга солинмоқда. Маҳалла қўмиталари билан тузилган шартномалар ва ҳамкорликдаги ҳаракатлар ўз самарасини беради, деган умиддамиз. Албатта, бундан маҳалла қўмиталари ҳам манфаатдор бўлаяпти. Аҳолидан йиғилган маблағнинг 10 фоизи маҳалла ҳисобида қолдирилаяпти, унинг 60 фоизи ўша маҳалладаги кам таъминланган оилаларнинг ичимлик сувга тўловларини қоплашга йўналтирилаяпти.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Мунаввара ИСОҚУЛОВА суҳбатлашди.**

## КЎКЛАМ ТАОМЛАРИ ЯРМАРКАСИ

***Пскент тумани истироҳат боғида ўтказилган кўклам таомлари ярмаркасида қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона ва ташкилотлар томонидан тайёрланган сумалак, ҳалим, ғилминди, кўк сомса, кўк чучвара, вароқи каби кўплаб таомлар дастурхонга қўйилди.***

Эътиборли томони, кўкламнинг тансиқ таомлари барчага бепул улашилди.

Митан, Бекобод, Янгиобод, Майлобод маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда туман марказий шифохонаси ходимлари томонидан тайёрланган кўклам таомлари энг сифатли ва мазали деб эътироф этилди.

Шу куни шифохонада даволанаётган беморларга, кам таъминланган оилалар ҳамда мактаб-интернат, кўзи ожизлар жамиятига ҳам кўкламнинг тансиқ таомлари тортиқ этилди.

**Башорат САТТОРОВА.**

